

UDC: 343.9(042)(575.1)

Ганиев Отабек

Тошкент давлат юридик университети

“Криминалистика ва суд экспертизаси” кафедраси доценти в.б.

E-mail: otabek.ganiev.og@gmail.com

ТРАСОЛОГИЯ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМОТНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада трасология фани тобора ривожланиб бораётган криминалистика (криминалистик техника)нинг асосий соҳаси сифатида ўрганилган, трасологияга нисбатан илмий билимларнинг ўзаро фарқланиши (дифференциация) жараёни соҳалараро ва соҳанинг ички даражаларида ҳам кузатилиши таъкидланган. Бу фикрлар соҳалараро даражадаги дифференциация жараёни трасология маълумотларидан фойдаланишида ҳамда турли хил техник фанларга трасологик методларнинг кенг жорий этилишида намоён бўлиши, жумладан, геология, санъатишунослик трасологияси, “археологик трасология”, транспорт трасологияси, материалишунослик трасологияси, микротрасология, сув ҳудудларидаги трасология (акваториядаги трасология), кема навигацияси ва радиолокацияси, сунъий йўлдош трасологияси ва бошқа ташқи дифференцион алоқалар ҳамда соҳанинг ички даражасида трасологиянинг дифференция даражаси – унинг методларининг ҳам криминалистик ва ҳам суд экспертизаларининг бошқа турларига, масалан, хатишунослик экспертизаси, ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси, суд-баллистик, портлаш-техник, гемологик, ёнгин-техник ва бошқа бир қатор экспертизаларга татбиқ этилишини назарда тутиши билан асосланган. Юқоридагиларга асосланиб, бугунги кунда трасология тизимида ўз предмети, объектлари ва махсус вазифаларни самарали ҳал қилишига имкон берадиган методларига эга бўлган мустақил илмий-амалий таълимот – трасологик механоскопияни ажратиб чиқариши таклиф қилинган.

Калит сўзлар: трасология, трасологиянинг методологик роли, илмий билимларнинг дифференциацияси, санъатишунослик трасологияси, “археологик трасология”, материалишунослик трасологияси, микротрасология, акватория трасологияси, сунъий йўлдош трасологияси, трасологик механоскопия.

Ганиев Отабек

и.о. доцента кафедры «Криминалистика и судебная экспертиза»

Ташкентского государственного юридического университета

ТРАСОЛОГИЯ КАК ОСНОВА САМОСТОЯТЕЛЬНОГО УЧЕНИЯ

Аннотация. В статье исследовано такая наука, как трасология, как важнейшее направление судебной экспертизы (криминалистической техники), при этом отмечается, что процесс дифференциации научных знаний применительно к трасологии наблюдается как на межотраслевом, так и внутриотраслевом уровнях. Эти идеи находят отражение в использовании трасологических данных на межотраслевом уровне дифференциации и повсеместном внедрении трасологических методов в различные технические дисциплины, включая геологию, художественную трасологию, археологическую трасологию, транспортную трасологию, материальную трасологию, микротрасологию, акваториальную трасологию, судовую навигацию и радиолокацию, спутниковую трасологию и т. д., внешние дифференциальные отношения и степень дифференциации трасологии на внутреннем уровне отрасли.

– ее методы могут применяться как для судебных, так и для других видов судебных экспертиз, таких как почерковедческая экспертиза, технико-криминалистическая экспертиза документов, судебно-баллистическая, взрывотехническая, геммологическая, пожарно-техническая и ряд других экспертиз, исходя из предположения, что трасология будет применяться к экспертизам. На основании вышеизложенного предлагается выделить самостоятельное научно-практическое учение – трасологическую механоскопию, которая сегодня имеет свой предмет, объекты и методы, позволяющие эффективно решать конкретные задачи в системе трасологии.

Ключевые слова: трасология, методологическая роль трасологии, дифференциация научного знания, искусствоведческая трасология, археологическая трасология, материаловедческая трасология, микротрасология, акваторийная трасология, спутниковая трасология, трасологическая механоскопия.

Ganiev Otabek

Acting Associate Professor of the Department of Criminalistics and
Forensic Science, Tashkent State University of Law

TRACE EVIDENCE AS A BASIS FOR SELF-LEARNING

Abstract. The article examines the science of trace evidence as the most important area of forensic expertise (forensic technology) while noting that the process of differentiation of scientific knowledge in relation to trace evidence is observed both at the intersectoral and intra-sectoral levels. These ideas are reflected in the use of technical data on inter-industry income inequality and the widespread introduction of technical methods in a variety of technical disciplines, including Geology, art trace evidence, «archaeological trace evidence», transport trace evidence, trace evidence material, micro tribology, the trace evidence in the offshore, marine navigation, and radar, satellite, fire, etc., exterior differential relations and degree of differentiation of trace analysis at the internal level of the industry – its methods can be used for both forensic and other types of forensic examinations, such as handwriting expertise, technical and forensic examination of documents, forensic ballistic, explosive, gemological, fire-technical and a number of other examinations, based on the assumption that trace evidence will be applied to examinations. Based on the above, it is proposed to distinguish an independent scientific and practical teaching-tracological mechanoscopy, which today has its own subject, objects and methods that effectively solve specific problems in the system of trace evidence.

Keywords: trace evidence, methodological role of trace evidence, differentiation of scientific knowledge, art history trace evidence, «archaeological trace evidence», materials science trace evidence, microtrace evidence, aquatoria, satellite trace evidence, tracological mechanoscopy.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахсининг

ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда [1].

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш,

жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида ҳам назарда тутилган.

Бутун дунёда жиноятчилик даражасининг ўсиши излар ва ашёвий далилларни экспертиза тадқиқотларининг сўнгги воситалари ва усуллари жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича излаш ва амалий фаолиятга киритиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Трасология – бу излар ҳосил бўлиш механизми, из ҳосил қилувчи объектларнинг гуруҳий ва индивидуал мансублигини аниқлаш, изларнинг аксини қидириб топиш, қайд этиш ва текшириш учун қўлланиладиган илмий техника воситалари ва методларини ишлаб чиқиш ҳақидаги таълимот-дир [2].

Республикаимиз мутахассислари “Суд-трасологик экспертизаларининг барча турлари юридик фанларнинг бир тармоғи сифатида ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак, шу билан бирга назария билан амалиётнинг ўзаро боғланишида муҳим ўринни эгаллаши лозим. Трасологик экспертиза ўзининг ривожланган замонавий, илмий-техникавий ютуқларига эга бўлиб, жиноят ишлари бўйича адолатни юзага чиқаришда одил судловни демократик асосда тараққий этиб боришда қонунийликни мустаҳкамлайди ва муҳим шарт-шароитларни белгилайди” [3] деб таъкидлайди.

Ривожланиши ва такомиллашувининг ҳозирги замонавий босқичида трасология фани тобора ривожланиб бораётган криминалистиканинг (криминалистик техника) асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Буни трасологиянинг илмий билимларнинг кўплаб соҳалари билан боғлиқ ҳолда олиб борадиган методик роли ҳам тасдиқлаши мумкин, чунки “суд трасологиясининг назарий қоидалари ва методлари криминалистик билимлари доирасидан анча олдин чиқиб кетган” [4]. Шу сабабли Н.П. Майлис “... суд-трасологик экспертизасининг назарий концепциялари ва услублари жуда ҳам кенгайиб, аллақачон криминалистик билимларнинг бу соҳаси доирасидан чиқиб кетди ҳамда суд экспертизаларининг бошқа турлари доирасида ҳам, криминалистика билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларда ҳам қўлланилмоқда [5],” – деб таъкидлайди.

Бугунги кунда суд-трасология назарияси нафақат суд билимларининг бошқа соҳаларига, балки оддий таъсир кўрсатиш жараёнлари юз берадиган изларни ўрганадиган бошқа бир қатор билимларга нисбатан ҳам методик функцияларни бажармоқда. Бу каби методик функциялар трасологиянинг куйидаги концептуал қоидалари билан амалга оширилади:

1) из қолдирган таъсирлашиш (алоқа) ҳақидаги таълимот;

2) из ҳосил бўлиш механизмлари тўғрисидаги таълимот (из ҳосил бўлиш тушунчаси, из ҳосил қилувчи ва из қабул қилувчи объектларнинг тузилишига кўра акс этиш даражаси в. б.);

3) изларда акс этган белгилар ва хусусиятларнинг таснифланиши [6].

Трасологиянинг методологик роли тегишли илмий мавзулар бўйича яратилган, фаннинг муаммолари ва вазифаларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқиладиган методлар ва усуллар, шунингдек, эвристик имкониятларнинг шарт-шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб турадиган, мураккаб ва динамик хусусиятга эга илмий фаолиятнинг ядроси сифатида майдонга чиқади. Бу роль ўзига хос йўл кўрсатувчи компас ва кўплаб соҳаларда илмий ижодкорлик учун асос ҳисобланади.

Билимларнинг турли соҳаларига трасологиянинг татбиқ этилиши тасодифий эмас ва ўрганиш (тадқиқот) объекти ҳақида янги ҳолисона маълумотларни олишга бўлган амалий эҳтиёжлар билан изоҳланади. Ушбу жараён трасологиянинг ривожланган назарий ёндашувлари ва методларидан фойдаланган ҳолда осонлашади, бу эса икки ёки ундан ортиқ фанларнинг ўзаро кесишган (учрашган) соҳаларида илмий билимларнинг интеграцияланув (уйғунлашув) ва фарқланишига олиб келади.

Трасологияга нисбатан илмий билимларнинг ўзаро фарқланиш (дифференциация) жараёни соҳалараро ва соҳанинг ички даражаларида ҳам кузатилиши мумкин. Соҳалараро даражадаги дифференциация жараёни трасология маълумотларидан, масалан, излар ва из ҳосил бўлиши ҳақидаги трасологик таълимотидан фойдаланишда ҳамда турли хил техник фанларга трасологик методлар кенг жорий этилишида намоён бўлади. Масалан, замонавий геология – бу ер, унинг тузилиши ва ривожланиши, фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақидаги билимларнинг

кенг доираси. Мазкур соҳада трасологиянинг асосий қоидаларидан фойдаланиш сайёрамизнинг шаклланиш вақти ва хусусиятларини, унинг космосдаги ўрнини тўғри тасаввур этишга, ер ости ва ер усти атмосфера, гидросфера ва биосфера билан қандай ривожланиб боришини кузатишга имкон беради. Минералогияда трасологик метод ва усуллардан, шунингдек, акс (из)лардан фойдаланиб, минералларнинг сиртий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Морфологиясининг хусусиятларини ўрганиш натижасида эса чўкинди жинслар, кум шаклланиши шароитларини ва бошқаларни аниқлаш мумкин бўлади.

Санъатшунослик трасологияси доирасида расм, ёдгорлик, ҳужжат кабилар қайта тиклаш (реставрация ишлари) пайтида қисмларга кўра бир бутун (яхлит)ни аниқлашда ёрдам беради.

Шунингдек, моддий излар – инсон фаолиятининг аксларини ўрганиш жараёнида бутун инсоният, умуман, жамият тарихи ўрганиладиган “археологик трасология”ни ҳам эслатиб ўтиш жоиз. В.Е. Щелинский бир вақтлар: “Бутун археология – бу трасологиядир [7],” – деган эди. Археологлар излайдиган ва ўрганадиган барча нарсалар “ўтмиш излари” бўлганлиги сабабли қандайдир маънода рамзий бўлишига қарамасдан бу иборани адолатли дейиш мумкин. Юқорида таъкидланган билимлар соҳаларида фаолият олиб борувчи олимлар трасологиянинг умумий қоидаларидан, суд трасологик тадқиқот методларидан, шунингдек, криминалистик атамалардан фойдаланади.

Илмий билимларнинг бир-бирига интеграцияси бир қатор ҳолларда мустақил илмий бўлимларнинг шаклланишига асос бўладиган мустақил назарияларнинг вужудга келишига ёрдам беради. Асосий вазифалари қатламли тушган ва шикастланган изларни аниқлаш ҳамда қайд этишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш бўлган суд-тиббий трасология бунга яққол мисол бўла олади. Суд-тиббий трасологиянинг бу каби метод ва воситалари ҳозирда амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу мақсадда изларнинг ҳосил бўлиш шартлари ва механизмини аниқлаш, одам танаси ва кийимидаги қатламли тушган излар ва шикастланган изларга кўра турли объектларни идентификация қилиш бўйича методлар қўлланилади.

Транспорт трасологияси транспорт воситалари излари, транспорт воситаларидан ажралган қисмлар ва деталлари, транспорт воситаларининг мар-

кировка белгилари (ёзувлар) тадқиқотлари бўйича экспертизалар ўтказишни назарда тутди.

Материалшунослик трасологияси – механик ёки иссиқлик таъсирида ҳосил бўлган объектлар йиғиндисининг (мажмуа) трасологик-материалшунослик экспертизаларидан иборат. Бу жараёнда алоҳида қисмларнинг бир бутунликка мансублигини аниқлаш имкони ҳам мавжуд. Материалшунослик трасологияси доирасида оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тадқиқотлари ўтказилади. Бу ҳолда яна трасологик-толашунослик экспертизасини ҳам айтиш мумкин, бу турдаги тадқиқотлар ёрдамида кийимлар ва турли қуроллар (бузиш қуроли, асбоб-ускуналар в. б.) ўртасидаги ўзаро таъсирлашиш фактига оид ҳамда бир жинсли яхлитликни аниқлаш бўйича вазифалар ҳал қилинади.

Маълумки, XX асрнинг 60–80-йилларида трасологиянинг мустақил йўналиши – микротрасология шаклланган. Ушбу йўналишда экспертиза тадқиқотларининг янги имкониятлари вужудга келган ва, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўрилатган иш (жиноят, маъмурий в. б.) бўйича ҳақиқатни аниқлашда ёрдам бермоқда [8]. Микротрасологиянинг асосий вазифаси махсус турдаги ашёвий далиллар – микроскопик объектлар: микроиз ва микрозаррачаларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганишдир [9]. Ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилишда ўтказиладиган микротадқиқотлар, айниқса, яхши самара бермоқда.

Бу жараёнда пиёдаларни уриб юбориш ҳолатида, транспорт воситасида аниқланган жабрланувчига тегишли кийимлар микротолалари тадқиқотлари, жабрланувчида (кийимлар) ёки бошқа тўсикларда аниқланган автомобиль ойнаси ёки лок-бўёқ қопламалари заррачалари тадқиқотлари, шунингдек, биологик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа турдаги изларнинг тадқиқотлари муҳим маълумотлар олишда самаралидир [10]. Бундан ташқари, микротрасологиянинг қўллаб-қўллаш метод ва усуллари билимларнинг бошқа тор соҳаларида кенг қўлланилади.

Трасология фани негизида сувдаги излар ҳақидаги фан ҳисобланган сув ҳудудларидаги трасология (акваториядаги трасология) каби йўналиш ҳам вужудга келди. Бу нисбатан янги ва ёш фан йўналиши бўлиб, ҳозирда шаклланиш ва ривожланиш босқичида ҳамда унинг асосчиси россиялик

криминалист олим И.Ф. Шишкин ҳисобланади. Унинг назариясига кўра сув ҳудудларидаги трасологиянинг (акваториядаги трасология) илмий асоси – из ҳосил қилувчи объектларнинг сув муҳити билан ўзаро таъсирлашишининг турличалиги ҳисобланади. Бу каби таъсирлашишларга суюқ агрегат ҳолатидаги сув ҳавзалари сирт қатламларининг турбулизацияси¹, сувдаги тўлқин жараёнларининг кўзғалиши ва сувнинг физик-кимёвий хоссаларининг ўзгариши кабилар кирази.

Трасологик методлардан фойдаланиб кема навигацияси ва радиолокациясининг асосий вазифалари ҳал қилинади: кемаларни аниқлаш, уларнинг координаталари ва топографик ҳолатини аниқлаш в. б. Навигация нуктаи назаридан хавфли бўлган денгиз тўлқинларидан денгиз объектларини тўлиқ яшириш шароитларида юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш имконияти муҳим аҳамият касб этади [11].

Бошқа фанлардан кескин фарқ қилувчи (дифференциал) ҳамда россиялик олимлар В.В. Мелентьев, В.И. Чернок, А.А. Старцев ва бошқалар ҳисса қўшган сунъий йўлдош трасологияси фани ҳозирда кўпчиликни қизиқтирмоқда [12]. Сунъий йўлдош трасологияси – бу мустақил илмий йўналиш бўлиб, унда техник ўлчов воситалари ишлаб чиқилади ҳамда табиий ва сунъий муҳит ва объектлар ҳолатини масофадан ўлчаш датчикларидан маълумотларни тематик талқин қилиш усуллари такомиллаштирилади. Тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлар экологик жиноятларни тергов қилиш жараёнида ишлатилиши мумкин [13].

Соҳанинг ички даражасида трасологиянинг дифференция даражаси – унинг методларини ҳам криминалистик ва ҳам суд экспертизаларининг бошқа турларига, масалан, ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси, суд-баллистик, портлаш-техник, гемологик, ёнғин-техник ва бошқа бир қатор экспертизаларга татбиқ этилишини назарда тутди. Жумладан, трасологик экспертизанинг методлари ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасида текшириладиган ҳужжатлар тайёрланган техник воситаларнинг акс этган изларини (муҳр ва штампларнинг акслари,

ёзув қуроллари штрихлари) тадқиқ қилишда, репрографик қурилманинг маълум бир нусхасини аниқлашда қўлланилиши мумкин.

Трасологиянинг метод ва усулларида ҳужжатларга кўрсатилган турли хил (кимёвий ва механик) таъсирлар акс этишларини ўрганишда, ҳужжатлар реквизитлари тадқиқотларида, қисмларга кўра бир бутунни аниқлаш жараёнида кесувчи ва бошқа воситалар изларни ўрганиш ҳамда идентификация қилишда, шунингдек, штрихларни бажаришдаги из ҳосил бўлиш механизми тадқиқотларида ва бошқаларда қўлланилади [14]. Портлаш-техник экспертизаси жараёнидаги диагностика вазифалар ҳам трасологик методлардан фойдаланиб ҳал қилинади. Масалан, воқеа содир бўлган шароитлар ва объектнинг хусусиятларини ёки унинг портлашдан олдинги ҳақиқий ҳолатини аниқлаш. Бундан ташқари, бундай тадқиқотлар портлаш механизмининг аниқлашга, излар ва шикастланишлар ҳосил бўлишининг вақти, яъни изларнинг ҳосил бўлиш кетма-кетлигини, уларнинг ҳосил бўлиш имкониятларини аниқлашга имкон беради. Бу турдаги экспертизаларда юқорида таъкидланган вазифаларни моделлаштириш, қайта тиклаш ва ситуацион таҳлиллар доирасида трасологиянинг методлари ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Суд-баллистик экспертизани ўтказишда трасологиянинг асосий принцип ва ёндашувлари, атамалари, изларнинг таснифи, изларни бевоқифа идентификацион таққослаш, уларни таърифлаш ва кўргазмали ифодалаш технологияларидан тўғридан-тўғри фойдаланилади. Бундан ташқари, баллистик экспертиза тадқиқотларида из ҳосил бўлиш механизмининг макро ва микроизлар даражасида ўрганишни ўзига олувчи микротрасологиянинг назарий асосларидан фойдаланилади. Отилган ўқ ва гильзалардаги изларга кўра ўқотар қуролларнинг идентификация қилишдан иборат бўлган идентификацион вазифалари билан бир қаторда қуйидаги диагностика вазифалари ҳам трасологик методлар ёрдамида ҳал қилинади:

– отилган гильзалардаги қурол қисмларининг изларини аниқлаш;

¹ Турбулизация – турбулизатор ёрдамида ламинар оқимни турбулент оқимга ўтиш жараёнларини сунъий тезлаштириш. Турбулизатор – суюқликни оқиб кетиши ёки босимни белгиланган миқдордан ошиб кетишининг олдини олиш учун қувурга ўрнатиладиган мослама.

– умумий из ҳосил қилиш механизмини аниқлаш;

– нарезларнинг бўш ва жанговар қирралари изларини ўзаро фарқлаш;

– нарезлар майдонининг иккиламчи изларини нарезсиз қўлбола ўқотар қуроллар изларидан фарқлаш.

Хатшунослик экспертизаларини ўтказишда ҳам трасологиянинг умумий усуллари ва техник воситалари, жумладан, трасологияда қабул қилинган ўлчов асбобларидан фойдаланилади. Суд-хатшунослик экспертизасида нафақат акс (из) лар, балки функционал-динамик комплекснинг билвосита акслари ҳам тадқиқ қилинади [15]. Бунда ҳарfli ва рақамли ёзув белгиларининг ба-жарилиши (ёзилиш) механизмини, яъни изда акс этган функционал-динамик комплекс қонуниятларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди.

Трасологиянинг метод ва усуллари бошқа турдош суд экспертизаларини ўтказишда ҳам қўлланилади. Бундай экспертизаларга материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизаси (МАБКЭ), тупроқшунослик, биологик ва видеофонографик экспертизалар киради [16]. Масалан, МАБКЭда моддалар қатламини таърифлаш ва қайд этиб олиш трасологик усуллар ёрдамида бажарилиши мумкин. Қатламли излар орасидаги мавжуд боғлиқликнинг ва уларнинг диагностик ва идентификацион аҳамияти ситуацион таҳлил, яъни трасологияда қўлланиладиган турли методлар ва ёндашувлар ёрдамида баҳоланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, трасологиядан мустақил соҳаларнинг ажраб чиқиш жараёни бундай соҳаларнинг келгуси ривожланиши учун ижобий аҳа-

миятга эга. Маълумки, илгари қўплаб объектлар тўғрисидаги маълумотларни трасология доирасида бирлаштириш уларнинг ҳар бири тўғрисидаги маълумотларнинг камлиги билан оқланган эди, чунки бу уларни таққослаш ва биргаликдаги ўрганишнинг ягона мумкин бўлган шакли эди [17]. Бугунги кунга келиб, ушбу тизим яхши ўрганилган объектларга нисбатан фақат салбий таъсир кўрсатмоқда ва уларни тадқиқ қилиш методикаси ва техникасини янада такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўрганилаётган объектларнинг янги хусусиятларини аниқлаб ва ҳал қилинадиган вазифалар қўламини кенгайтириб трасология экспертилик амалиёти тажрибасига эга бўлмоқда ва умумлаштирмоқда ва шу билан ўзининг келгуси ривожланиши, жумладан, янги хусусий назарияларни шакллантириш учун эмприк материаллар тўпламоқда.

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда трасология тизимида ўз предмети, объектлари ва махсус вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон берадиган методларига эга бўлган мустақил илмий-амалий таълимот – трасологик механоскопияни ажратиб чиқариш илмий жиҳатдан таъминланган ҳамда тўлиқ асосларга эгадир [18]. Чунки ҳозирги кунда трасология ўзининг замонавий ривожланиш босқичида соҳалараро ҳамда соҳанинг ички даражаларида илмий ва методологик асос (базис) ҳисобланади. Бундан ташқари, трасология фан сифатида доимий равишда ривожланиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сон фармони.
2. Криминалистика: дарслик // ю.ф.д., профессор Ғ.А. Абдумажидовнинг умумий таҳрири остида. I жилд. – Т., 2003. – 705 б.
3. Трасологик экспертизаларнинг асосий атамалари луғати / О.П. Маршанская, Т.А. Ромаданова, И.А. Азимова, Ш.Х. Хасанов // Эксперт-трассологнинг китобчаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ, 2019. – 468 б.
4. Катонин В.А. Трасологические экспертизы // Экспертная техника. – 2016. – №1. – С. 58-62.

5. Майлис П.Н. Криминалистическая трасология как теория и система методов решения задач в различных видах экспертиз: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 1992. – С. 46.
6. Тхакохов А.А. Система трасологии // Актуальные проблемы современного права: материалы первой региональн. науч.-практ. конф. – Грозный: ФГБОУВО «Чечен. гос. ун-т», 2017. – С. 95-98.
7. Гирия Е.Ю. Следы как вид археологического источника (конспект неопубликованных лекций) / под ред. О.В. Лозовской, В.М. Лозовского, Е.Ю. Гирия. – СПб., 2015. – С. 232-268.
8. Белкин Р.С. Природа экспертизы микрообъектов // Экспертная практика и новые методы исследования. – М., 1983. – Вып. 20. – С. 20–25.
9. Трасологические методы исследования микроследов и микрочастиц: метод. пособ. для экспертов / Под ред. Г.Л. Грановского. – М., 1987. – 121 с.
10. Майлис Н.П. Микротрасология: проблемы развития и совершенствования как научного направления // Вестн. ун-та им. О.Е. Кутафина. – 2014. – № 3. – С. 56-60.
11. Шишкин И.Ф., Сергушев А.Г. Трасология – научное направление о следах на воде // Вестн. Рос. акад. естеств. наук. – 2011. – № 4. – С. 41-43.
12. Спутниковая трасология: опыт использования в интересах маммалогии (териологии) для обеспечения безопасности ледно-ассоциированных морских млекопитающих / В.В. Мелентьев [и др.] // Изв. ТИНРО. – 2014. – Т. 179. – С.138-157.
13. Спутниковая трасология: опыт всепогодного РСА обнаружения морских судов и их следов как индикаторов соблюдения норм международного морского и экологического права / В.В. Мелентьев [и др.] // Региональная экология. – 2013. – № 1, 2 (34). – С. 62-69.
14. Справочник криминалиста-документоведа (полиграфия, репрография). – Волгоград, 2005. – 112 с.
15. Полноструктурная модель механизма отражения личности в следах преступления / Т.А. Алексеева, Р.Л. Ахмедшин, В.Л. Юань // Вестник Томского государственного университета. – 2015. – № 39. – С. 197-203.
16. Kurbanov M. General description of crimes related to obstruction, unlawful interference in business activity. – 2018. – ProAcademy: Vol.1: Iss.4, Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/14>
17. Kadirova M.Kh., Abdullaev R.K., Khujanazarov A.A., Rahimkulova L.U. Evaluation of the results of judicial computer and technical expertises by the investigators and the court. DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260256. <https://www.psychosocial.com/article/PR260256/13667/>
18. Topildieva D. Circumstances to be determined when investigating intentional killing // TSUL Legal Report International electronic scientific journal. – 2020. – 1 (1). Available at: <https://legalreport.tsul.uz/index.php/journal/article/view/18> (Accessed: 14 December 2020).